

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИНГЛИЗ ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

ГулДУ проректори

\_\_\_\_\_ Н.Р.Баракаев

«\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 й.

**«ЎРГАНИЛАЁТГАН ТИЛ ТАРИХИ»**

**фани бўйича**

**ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ**

100000 – Гуманитар соҳа

110000 – Педагогика

5111400 – Хорижий тил ва адабиёти (Инглиз тили)

3 – курс

6 – семестр

Умумий ўқув соати – 98

Шу жумладан:

Маъруза – 28

Амалиёт машғулотлари – 28

Мустақил таълим соати – 42

**ГУЛИСТОН – 2017 й.**

Фаннинг ишчи ўқув дастури намунавий ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилди.

**Тузувчи: Ахмедов Р.Ш.** – ГулДУ “Инглиз тили ва адабиёти”

кафедраси ўқитувчиси \_\_\_\_\_ (имзо)

**Тақризчи: Тожиев X.** – ГулДУ ф.ф.н., “Инглиз тили ва адабиёти”

кафедраси доценти \_\_\_\_\_ (имзо)

Фаннинг ишчи ўқув дастури “Инглиз тили ва адабиёти” кафедрасининг 2017 йил “\_\_\_” \_\_\_\_ даги \_\_\_ - сонли мажлисида кўриб чиқилиб, факультет Илмий-услубий Кенгашида кўриб чиқиш учун тавсия қилинди.

**Кафедра мудири**

**X. Уразбаев**

Фаннинг ишчи ўқув дастури Чет тиллар факультети Илмий-услубий Кенгашининг 2017 йил “\_\_\_” \_\_\_\_ даги “\_\_\_” - сонли мажлисида тасдиқланди.

**Факультет Илмий-услубий**

**Кенгаши раиси:**

**Э. Хамдамов**

## I. КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сонли қарори чет тиллар таълими соҳасида туб ўзгаришларни амалга ошириш учун асос бўлади. Республикаизда демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда, дунё ҳамжамиятига интеграциялашуви, фан ва техниканинг ривожланиши ёш авлоднинг кўп маданиятли дунёда рақобатбардош бўлиши учун ҳорижий тилни мукаммал билишни тақозо этади. Бу эса Ўзбекистоннинг узлуксиз таълим тизимига чет тилларни ўргатиш бўйича халқаро таълим стандартларини жорий қилиш билан таъминланади. Ушбу дастур ўрганилаётган чет тили яъни инглиз тили тарихи фанидан эгалланиши керак бўлган билим мазмунини ўз ичига олади.

### 1.1. Фанинг мақсад ва вазифалари

**Ўқув фанининг мақсади** - талабаларни тил тарихи тўғрисидаги асосий назарий тушунчалар, чет тили тарихини ўрганишнинг услуб ва ёндашувлари, тил тарихининг илмий билимлар тизимида тутган ўрни билан таништириш, уларга тил сатҳларининг элементлари ривожланишининг асосий қонуниятларини ўргатищдан иборат. **Фанинг вазифаси** - талабаларга инглиз тили тарихи моҳиятига оид билимларни эгаллашга имконият яратиш, уларда тилнинг шаклланиши, тил қатламлари ва бирликларининг тарихий ривожланишини илмий асосда тадқиқ этиш кўникмаларини шакллантириш, ҳамда инглиз тили тарихи турли даврларининг бир-бири билан ўзаро муносабатлари тўғрисида тушунчаларга эга бўлишларини таъминлашдан иборат.

### 1.2. Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

Ўрганилаётган тил тарихи фанини ўзлаштирган талаба инглиз тилида тарихий тараққиёт натижасида содир бўлган ўзгаришларни функционал жиҳатдан фарқлай олиш, грамматик ҳамда фонетик қонуниятларни изоҳлаш ҳақида таса ввурга эга бўлиши билан бирга қуйидаги мавзуларни тўлиқ ўзлаштиришларни шарт.

- фанинг асосий тушунча ва тамойиллари;
- турли даврдаги сўзнинг морфемик тузилиши, морфема ва сўз таърифи;
- товуш қонунлари, Я. Гrimm, K. Вернер қонунлари;
- талаффузнинг асосий турларининг ривожланиши. Адабий ва маҳаллий талаффузнинг шаклланиши;
- қадимги инглиз тилида унли товушлар классификациясининг асосий критериялари;
- қадимги инглиз тилида бўғин кўчириш ва бўғин ясаш масалалари;
- қадимги инглиз тилида урғу ва акцентология, урғунинг турлари;
- қадимги инглиз тилида фонетик ҳодисалар ва интонация ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- қадимги инглиз тилида сўзнинг синтактик ва аналитик шакллари;

- қадимги инглиз тилида гапнинг структуравий, семантик ва функционал типологияси;
- қадимги инглиз тилида синтагманинг фонетик бўлиниши, сўзнинг фонетик таҳлили;
- қадимги инглиз тилида содда ва қўшма гапларда интонациянинг турлари;
- қадимги инглиз тилида ундошларнинг артикуляцион ва акустик таснифи;
- қадимги инглиз тилида монофтонг ва дифтонгларнинг артикуляцион ва акустик таснифини билиши ва улардан фойдалана олиши;
- қадимги ва ўрта давр инглиз тилида сўз ва гапларни турли таҳлил методлари ёрдамида таҳлил эта билиш;
- қадимги ва ўрта давр инглиз тилида грамматикага оид билимни нутқли сегментация қилиш;
- қадимги ва ўрта давр инглиз тилида турли матнларни тузишда мураккаб грамматик қурилмалардан фойдалана олиш;
- қадимги ва ўрта давр инглиз тилида сўзни фонетик ва фонологик жиҳатдан таҳлил қилиш;
- қадимги ва ўрта давр инглиз тилида нутқ махсулотини фонетик жиҳатдан мукаммал бўлишини тъминловчи омиллар;
- талабаларга талаффуз, урғу, интонация ва бўғин структурасининг
- тарихий ривожланиши масалаларини тушунтириш ва ўқитиш кўникмаларига эга бўлиши керак;
- грамматик маъно, грамматик шакл ва грамматик категориялар соҳасида тилнинг турли даврларида содир бўлган ўзгаришлар;
- сўзларни туркумларга ажратилишининг асосий босқичлари ва тамойиллари;
- феъл, сўз туркумларини структуравий-семантик ва функционал жиҳатдан ривожланиши;
- синтактик структуралар, сўз бирикмаси, гап ва гап бўлаклари тарихи;
- грамматик категориялар тарихи;
- тил тарихини ўрганишда қўлланиладиган асосий методлар;
- тарихий фонетика ва фонологиянинг асосий тушунча ва тамойилларини таҳлил эта олиш малакаларига эга бўлиши керак.

### **1.3. Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги**

Ўрганилаётган тил тарихи фани умумкасбий ва асосий ихтисослик фани ҳисобланиб, олтинчи семестрда ўқитилади. Назарий курс талабалар амалий тил кўникмалари юзасидан етарлича билимларга эга бўлганларидан сўнг ўқитилади. Талабалар инглиз тилининг фонетик, морфологик, синтактик ва лексик қатламлари тарихини ҳамда бирликларини ўрганувчи фанлардан етарлича билим ва кўникмаларга эга бўлганларидан кейин инглиз тилини назарий грамматика ва назарий фонетика, лексикология ва стилистика каби фанлар орқали қиёсий аспектда ўрганадилар.

### **1.4. Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни**

“Ўрганилаётган тил тарихи” фани ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғланмаган. Хорижий тил ва адабиёти таълим йўналиши бўйича бакалавр тайёрлаш босқичининг ажралмас бўғини сифатида инглиз тили тарихи умумкасбий ва ихтисослик фанлари билан боғлик бўлиб, бу фан бўйича талабалар эгаллаган билим, кўнкма ва малакалар уларнинг умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллажларида фаолият кўрсатишларида, шунингдек инглиз тилини амалий қўллашда ёрдам беради.

### **1.5. Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

“Ўрганилаётган тил тарихи” фанини ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот коммуникатив технологияларидан фойдаланиш назарда тутилган. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар ҳамда ишланмалар, тарқатма ва электрон материаллардан фойдаланилади. Мазкур фан машғулотларида аудио-видео воситалари ва компьютер технологиялари ёрдамида тақдимотлар ўтказиш, коммуникатив методнинг тармоқлари бўлган – масофавий таълим, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, ротация, айлана стол, кейс стади усусларидан фойдаланиш, кичик гуруҳ мусобақалари, интернет янгиликларини қўллаш назарда тутилади.

### **1.6. Дастурнинг информацион – услубий таъминоти**

Ўрганилаётган тил тарихи фанини ўқитиш янги информацион технологиялардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади-ки, унга қўра ўқитиш жараёнини ўзаро узвий боғлиқ этаплар, амалларга ажратиш, бўлишга эришилади. Ўрганилаётган тил тарихи бўйича таълимда мўлжалланган натижага эришиш учун бажариладиган ҳаракатларни мувофиқлаштириш, кетма-кет, босқичма-босқич амалга оширилади. Ўрганилаётган тил тарихи фани ўқитишда таълим такрор ишлаб чиқиладиган конвойерли жараён сифатида ташкил этилади, ундан кутиладиган натижа ҳам муфассал тасвирланиб, аниқ қайт этилади. Мазкур фандан ўқув материали аниқ ифодаланган ўқув мақсадига мос қайта тузиб, ишлаб чиқилади, айрим қисмларга ажратилади, ўқув материалларини ўргатишнинг альтернатив йўллари назарда тутилади хар бир бўлакни ўрганиш тест ёрдамида назорат этилиб, хато, камчилик тузатилиб тўғирлаб борилади. Технологик ёндашувни қўллаш тил тарихи фанидан қўйилган мақсадларга эришишини кафолатлади.

Ўрганилаётган тил тарихи фанини ўқитишда куйидаги педагогик технологиялардан фойдаланилади.

- Таълим жараёни олдиндан лойиҳаланади ва аудиторияда тингловчилар билан қайта кўриб чиқилади.

- Тизимли ёндашув асосида талабаларнинг ўқиш-билиш фаолиятини тасвирлайдиган таълим жараёнининг лойиҳаси тузиб чиқилади.

- Таълим мақсади реал, аниқ, диагностик бўлишига эришилади ва тингловчини билим, ўзлаштириши сифати объектив баҳоланади.

- Ўрганилаётган тил тарихи фанини ўқитишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг пировард мақсади таълимнинг режалаштирилган натижасига эришишининг кафолатланганлиги ва таълим самарадорлигининг юқори бўлишига эришишdir.

## II. АСОСИЙ ҚИСМ

### 2.1. Фандан ўтиладиган мавзулар ва улар бўйича машғулот турларига ажратилган соатларнинг тақсимоти

№	<b>Фаннинг бўлими ва маъруза мавзуси</b>	<b>Семинар машғулатлари мазмуни</b>	<b>Соатлар</b>			
			<b>Жами</b>	<b>Маъруза</b>	<b>Амалий</b>	<b>Мустакил таълим</b>
1	<b>INTRODUCTION</b>	<i>Sources of Language History</i>	2	2	2	
2	<b>GERMANIC LANGUAGES</b>	<i>Linguistic Features of Germanic Languages</i>	2	2	2	
3	<b>OLD ENGLISH. HISTORICAL BACKGROUND</b>	<i>Chronological Divisions in the History of English</i>	2	2	2	
4	<b>OLD ENGLISH WRITTEN RECORDS</b>	<i>Principal OE Written Records</i>	2	2	2	
5	<b>OLD ENGLISH PHONETICS</b>	<i>OE Vowels &amp; OE Consonants</i>	2	2	4	
6	<b>OLD ENGLISH GRAMMAR</b>	<i>OE Parts of Speech &amp; Grammatical Categories</i>	2	2	4	
7	<b>OLD ENGLISH VOCABULARY</b>	<i>Native Words &amp; Latin Influence</i>	2	2	4	
8	<b>EARLY MIDDLE ENGLISH</b>	<i>Effect of the Scandinavian Invasions. The Norman Conquest</i>	2	2	4	
9	<b>LATE MIDDLE ENGLISH</b>	<i>Dialects in Late ME. The Age of Chaucer</i>	2	2	4	
10	<b>EVOLUTION OF THE SOUND SYSTEM FROM 11<sup>TH</sup> TO 18<sup>TH</sup> CENTURY</b>	<i>Vowel Changes &amp; Evolution of Consonants in ME and Early NE</i>	2	2	4	
11	<b>EVOLUTION OF THE GRAMMAR SYSTEM FROM 11<sup>TH</sup> TO 18<sup>TH</sup> CENTURY</b>	<i>Parts of Speech. Means of Form-Building</i>	2	2	4	
12	<b>DEVELOPMENT OF THE NATIONAL LITERARY ENGLISH LANGUAGE</b>	<i>Flourishing of Literature &amp; Establishment of the Written Standard. The Modern Period</i>	2	2	2	
13	<b>DEVELOPMENT OF THE ENGLISH VOCABULARY FROM THE 12<sup>TH</sup> TO 19<sup>TH</sup> CENTURY</b>	<i>Scandinavian &amp; French Influence. Borrowings from Contemporary Languages</i>	2	2	2	
14	<b>MODERN ENGLISH</b>	<i>American English &amp; Variety Awareness</i>	2	2	2	
		<b>Жами:</b>	<b>98</b>	<b>28</b>	<b>28</b>	<b>42</b>

## **2.2. Ўқув материаллари мазмуни**

### **2.2.1. Маъруза машғулотлари маъзумни**

#### **Lecture 1. INTRODUCTION (A1, 6) (A2, 10)**

1.1. Subject and Aims of the History of English. 1.2. Sources of Language History. 1.3. Some Theoretical Aspects of Language History

#### **Lecture 2. GERMANIC LANGUAGES (A1, 12) (A2, 24) (O1, 16)**

2.1. Germanic Languages. 2.2. Linguistic Features of Germanic Languages

#### **Lecture 3. OLD ENGLISH. HISTORICAL BACKGROUND (A2, 55) (O1, 38)**

3.1. Chronological Divisions in the History of English. 3.2. Beginning of English. 3.3. OE Dialects

#### **Lecture 4. OLD ENGLISH WRITTEN RECORDS (A1, 34) (A2, 63)**

4.1. Runic Inscriptions. OE Manuscripts. Principal OE Written Records. 4.2. OE Alphabet & Pronunciation

#### **Lecture 5. OLD ENGLISH PHONETICS (A1, 57) (A2, 74)**

5.1. Word-Stress. 5.2. OE Vowels. Independent Changes. Development of Monophthongs and Diphthongs. Assimilative Vowel Changes. Palatal Mutation. Changes of Unstressed Vowels. 5.3. OE Consonants. Hardening. Rhotacism. Voicing & Devoicing. Loss of Consonants in Some Positions.

#### **Lecture 6. OLD ENGLISH GRAMMAR (A1, 69) (A2, 92)**

6.1. Parts of Speech & Grammatical Categories. 6.2. OE Noun. 6.3. OE Pronoun. 6.4. OE Adjective. 6.5. OE Verb

#### **Lecture 7. OLD ENGLISH VOCABULARY (A2, 131) (O1, 67)**

7.1. Native Words. 7.2. Latin Influence. 7.3. Word-Formation

#### **Lecture 8. EARLY MIDDLE ENGLISH (A2, 149) (O1, 98)**

8.1. Historical Background from the 11th to 15th c. Effect of the Scandinavian Invasions. The Norman Conquest. 8.2. Early Middle English Dialects. Extension of English Territory. ME Written Records.

#### **Lecture 9. LATE MIDDLE ENGLISH (A2, 157) (O1, 116)**

9.1. Late ME. Reestablishment of English. 9.2. Dialects in Late ME. The London Dialect. 9.3. The Age of Chaucer. Principal ME Written Records

#### **Lecture 10. EVOLUTION OF THE SOUND SYSTEM FROM 11TH TO 18TH CENTURY (A2, 188) (O1, 146)**

10.1. Word-Stress in ME and Early NE. 10.2. Vowel Changes in ME and Early NE. Quantitative and Qualitative Changes. 10.3. Evolution of Consonants in ME and Early NE

#### **Lecture 11. EVOLUTION OF THE GRAMMAR SYSTEM FROM 11TH TO 18TH CENTURY (A2, 220) (O1, 146)**

11.1. Parts of Speech. Means of Form-Building. 11.2. The Noun. The Pronoun. The Article. 11.3. The Verb. 11.4. Syntactic System in ME and Early NE. The Phrase. Patterns. Word Order. Compound and Complex Sentences. Causes of Grammatical Changes

#### **Lecture 12. DEVELOPMENT OF THE NATIONAL LITERARY ENGLISH LANGUAGE (A2, 164)**

12.1. Progress of Economics, Politics & Culture. Introduction of Printing. 12.2. Flourishing of Literature in Early New English (Literary Renaissance). 12.3. Establishment of the Written Standard. Growth of the Spoken Standard. 12.4. The Modern Period. Varieties of English in Britain in the 19th and 20th c. Expansion of English

## **Lecture 13. DEVELOPMENT OF THE ENGLISH VOCABULARY FROM THE 12TH TO 19TH CENTURY (A2, 296)**

13.1. Types and Sources of Changes. 13.2. Scandinavian Influence. 13.3. French Influence. 13.4. Borrowings from Classical Languages. 13.5. Borrowings from Contemporary Languages in NE. 13.6. Word Formation and Word Composition in ME and Early NE. 13.7. Simplification. Back Formation. 13.8. Semantic Changes in the Vocabulary

## **Lecture 14. MODERN ENGLISH (A1, 148) (O1, 279)**

14.1. Transition. 14.2. Grammatical Trends. 14.3. American English. 14.4. Breaking Rules. 14.5. Scientific Language. 14.6. Variety Awareness

“Үрганилаётган тил тарихи” фанини ўзлаштирган талаба инглиз тили фонетик ва грамматик қурилишидаги ўзгаришлар уларнинг функционал жиҳатдан фарқланиши, грамматик ҳодисаларни изоҳлашдаги турли фикрлилик ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак. Шунингдек, талабалар инглиз тили тарихидаги грамматик жиҳатидан тўғри ва нограмматик шаклларни фарқлай билиши ва назарий жиҳатдан изоҳлай билиши, тилнинг турли даврларида грамматик категорияларнинг таркиби, функционал қўлами ва нутқда қўлланилиши ҳақида билим ва малакага эга бўлишлари керак. Маърузаларда талабалар диққат эътиборини қаратиши керак бўлган асосий масалалар:

**Герман тиллари ҳақида умумий маълумот:** Герман тилларининг ҳинд-европа тиллар оиласида тутган ўрни. Ҳозирги замон герман тиллари, уларнинг тарқалиши ва таснифи. Герман қабилалари ҳақидаги маълумотлар: (Питеас, Юлий Цезар, Тацит) Герман қабилаларининг таснифи ва “халқларнинг буюк кўчиши” даврида уларнинг жойлашиши. Герман тилларининг ўзига хос хусусиятлари: ундошларнинг биринчи кўчиши, Гримм қонуни, Вернер қонуни, унлиларнинг ўзгариши, отларнинг турланиш тизими, феълларнинг миқдор ўзгариши ва суффиксли феълларга ажралиш тизими, герман алифбоси, герман тилларининг энг муҳим ёзма ёдгорликлари ва уларнинг таснифи. Инглиз тили тарихининг даврларга бўлиниш масаласи.

**Қадимги инглиз тили даври:** Британия оролларида ва Европа қитъасида Кельт қабилалари. Рим қўшинларининг Британия оролларини босиб олиши, Римликлар қўрган тарихий обидалар. Минтақада ғарбий герман қабилалари ва уларнинг Рим билан алоқаси. Англо-саксон, фриз ва ют қабилаларининг Британия оролларини истило қилиши ва англо – саксон давлатларининг юзага келиши. Англияда федоализмнинг бошланиши. Инглиз халқнинг пайдо бўлиши. Англо – саксон давлатларнинг хукумронлик учун кураши. 7 асрда Англиянинг христиан динига ўтиши. Скандинавлар истилоси. Қадимги инглиз тили товушлар тизимининг тарихий қонуниятлари; палаталлашув. Сонор ундош бирикмалари олдида унлиларнинг чўзилиши, кейинги ундошнинг тушиб қолиши натижасида унлиларнинг чўзилиши.

**Морфология. От:** Қадимги инглиз тили даврида от. Отнинг грамматик категориялари: род, сон, келишик. Негиз асосида отларнинг қадимги таснифи. Отларда кўплик шаклларининг ҳосил бўлиши ва уларнинг турлари. Ҳозирги инглиз тилида ички флексия ёрдамида ўзакдаги унлининг ўзгариши. Ташки флексия. Флекциясиз товуш алмашиниши. **Сифат:** Сифатнинг икки хил турланиши: кучли ва кучсиз турланиш, уларнинг пайдо бўлиши. **Олмош:** Кишилик олмошлари, олмошларда грамматик категориялар: шахс, сон (иккилик сонининг мавжудлиги). Кўрсатиш олмошларнинг пайдо бўлиши. **Сон:** Саноқ сонлар. Тартиб сонлар. **Феъл:** Қадимги инглиз тили даврида кучли ва кучсиз феъллар. Претерит – презент феъллар

ва уларнинг морфологик хусусиятлари. Супплектив феъллар. Қадимги инглиз тили феълларнинг асосий грамматик категориялари: шахс, сон, замон, майл. Феълнинг аналитик шакли масаласи: Нисбат категорияси. **Синтаксис:** Қадимги инглиз тили синтаксиси. Гап турлари. Сўроқ гапларда сўз тартиби. Гапда бош бўлакларнинг ифода этилиши. Содда гапда синтактик алоқаларнинг ифодаланиши. Келишикларнинг вазифалари. Қадимги инглиз тили даврида луғат таркиби ва уларнинг тараққиёти. Қадимги инглиз тили даври луғат хусусиятлари. Қадимги инглиз тили луғат таркибидаги умум ҳинд – европа ва умум герман сўzlари, луғат таркибининг бойиб бориши ва унинг турли йўллари: Аффикслар ёрдамида сўzlар ясаш. Махсулдор ва кам масъул аффикслар. Қўшма сўzlар. Қадимги инглиз тили даврида қўшма сўzlарни ҳосил қилиш йўллари. Товуш алмашиши (умлаут); Эски сўzlарнинг янги маънога эга бўлиши. Ўзлаштирма сўzlарнинг ишлатилиши. Икки тилни скандинав ва француз тиллари ҳисобига инглиз тили луғати таркибининг бойиб бориши.

**Ўрта инглиз тили тарихи даври:** Ўрта инглиз тили даврининг асосий тарихий воқеалари. Норманларнинг Англияни истило қилиши. Норманлар истилоси натижасида инглиз тили луғат таркибининг бойиши. Иқтисодий марказ – Лондон шевасининг юзага келиши. **Фонетик тизим:** Унлилар тизимининг ўзгариши. Ургусиз унлиларнинг ҳосил бўлиши ва уларнинг кейинчалик тушиб қолиши. Ўрта даврда унлиларнинг чўзилиши ва қисқариши. Қадимги инглиз тили дифтонгларнинг чўзилиши ва қисқариши. Қадимги инглиз тили дифтонгларининг ўрта даврда чўзилиши ва қисқариши. Қадимги инглиз тили дифтонгларининг ўрта даврда монофтонглашуви. Янги дифтонгларнинг ҳосил бўлиши. Ундошлар тизимининг ўзгариши. Ўрта даврда инглиз тили графикасидаги ўзгаришлар. **Грамматика.** **Морфология.** 12-15 асрларда инглиз тили морфологиясида содир бўлган ўзгаришлар. Отларнинг турланишида турланишида келишикларнинг содалашиб бориши ва уларнинг предлоги бирикмалар билан алмаштирилиши. **Сифат:** Сифат даражалари. Қиёсий даражаларда аналитик шаклнинг юзага келиши. **Олмош:** Олмошларнинг турланишда икки келишикнинг тизимга ўтиши. Кўрсатиш олмошларида икки турнинг ҳосил бўлиши: янги олмошларнинг пайдо бўлиши. Ўзлик, нисбий, ноаниқ олмошлар. Инглиз тилида аниқ ва ноаниқ артиклларнинг пайдо бўлиши. **Феъл:** Кучли феъллар тизимида ўзгаришлар. Феъл бўйича ҳозирги замон сифатдош шаклларнинг ўзига хос хусусияти. Феълнинг аниқ, мажхул ва ўтган замон шаклларининг юзага келиши. Равишдош ва инфинитивнинг пайдо бўлиши. **Равиш:** Равишларнинг суффикслар ёрдамида ясалиши. Суффиксларнинг содалашуви. **Синтаксис:** Гапнинг бош бўлакларида қатъий тартибининг аста – секин қарор топиши. Кўшимча гапларнинг ривожланиши. Ўрта давр луғат таркибининг ўзига хос хусусиятлари. Ижтимоий тузимнинг ўзгариши, хунарманчилик, савдо-сотик ва қишлоқ хўжалиги тараққиёти муносабати билан луғат таркибининг бойиб бориш йўллари. Эски сўzlарнинг янги маънода ишлатилиши, аффикслар ёрдамида янги сўzlарнинг ишлатилиши. Икки тил: янги скандинав ва француз тиллари ҳисобига инглиз тили луғати таркибининг бойиб бориши.

**Янги инглиз тили даври:** Янги инглиз тили даврининг асосий тарихий воқеалари. Миллий тилнинг вужудга келишида Лондон шевасининг аҳамияти. Инглиз миллий тилининг умумхалқ хусусияти. Махаллий шеваларнинг сақланиб қолиши ва уларнинг ижтимоий кўринишлари. Касб – хунар жаргонларининг пайдо бўлиши. Китоб нашр қилиниши муносабати билан миллий тил ёзма шаклининг кенг тарқалиб бориши. Янги инглиз тили даврида содир бўлган асосий фонетик ўзгаришлар

“Унлиларнинг буюк кўчиши” Ургусиз бўғиндаги унлиларнинг тушиб қолиши. Янги унли товушларнинг пайдо бўлиши. Унлилар ва ундошлар тизимида содир бўлган бошқа ўзгаришлар. Инглиз тили грамматик тизимида содир бўлган ўзгаришлар. Феълларнинг нотўғри тусланиши тизимида тўғри феъллар гуруҳига ўтиши. Be, do, go, will феълларининг ривожланиши давомий аспект шаклларининг ривожланиши. Мажхул нисбатнинг ривожланиши, иш – ҳаракат ва ҳолат пассиви маъноларнинг фарқланиши. До феълнинг ёрдамчи феъл сифатида шаклланиши.

### **2.2.2. Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича қўрсатмалар**

Амалий машғулотлар учун ажратилган мавзулар қадимги ва ўрта давр тилларидағи матнларни таҳлил қилиш асосида олиб борилади. Таҳлил натижалари асосида талабаларнинг тегишли ҳолосаларга келиши хамда назарий ва амалий тавсиялар бериши назарда тутилади. Тил тарихи фанини ўқитишда таълим такрор ишлаб чиқиладиган конвеерли жараён муфассал тасвирланиб, аниқ қайт етилади. Мазкур фандан ўқув метериаллари аниқ ифодалангандан ўқув максадига мос қайта тўзилиб, ишлаб чиқилади, айрим қисимларга ажратилади, ўқув материаларини ўргатишнинг алтернатив йўллари назарда тутилади, хар бир бўлакни ўрганиш тест ёрдамида назорат этилиб, хато, камчиликлар тузатилиб, тўғирлаб борилади. Технологик ёндашувни қўллаш тил тарихи фанидан қўйилган мақсадларига эришишини кафолатлайди.

Семинар дарсларида талабалар маъruzada олган назарий билимларини амалда қўллай билиши учун инглиз тилининг турли даврларида мансуб матнларни ўқиб таржима қиласидилар. Қадимги инглиз тилидаги матнларда учрайдиган турли грамматик ҳодисаларнин ҳозирги замон инглиз тилидаги муқобил шаклларини топадилар ва кузатиладиган фарқларни изоҳлайдилар. Ҳозирги инглиз тилида учрайдиган ностандарт грамматик шаклларнинг келиб чиқишини изоҳлаб берадилар. Сўзларнинг келиб чиқиши нуқтаи назаридан таҳлил қиласидилар. Маъзуза дарсларида тўлалигича қамраб олинмаган мавзуларни ўрганиб уларни гуруҳда муҳокама қиласидилар.

### **2.3. Мустақил таълим**

#### **2.3.1. Мустақил таълимни ташкил этишининг шакли ва мазмуни**

Мустақил ишга яратилган мувзуларни ўрганишнинг асосий мақсади мавзулар бўйича ишлаш жараёнида аудиторияда олиб борилган маърузалар ва амалий машғулотлар пайтида талабаларда ҳосил бўлган тассавур, билим малака ва кўниқмаларни янада чукурлаштириш, талабаларни янга билимларни тўплаш, мустақил ҳолоса чикариш ва инглиз тили тарихи тизимида учрайдиган инновацион ҳодисалар ҳақида турли илмий – амалий фаразларни олға суришга ўргатишидир. Талабаларнинг мустақил ишлари маълум мавзулар бўйича мустақил тадқиқотлар ўтказиш натижасида таҳлил қилинаетган грамматик ҳодиса ва структураларга мантиқий асосланган функционал тавсифларга асосланади. Мустақил ишлар натижалари мавзу бўйича аннотация, реферат, маъзуза, тезислар, курс ишлари, конспект, рецензия шаклида расмийлаштирилиши мумкин.

Талабаларнинг амалий машғулотлариға тайёрланиб келиши ва ўтилган материалларни мустақил ўзлаштиришлари учун кафедра ўқитувчилари томонидан ўқув услубий мажмуалар ишлаб чиқилган, ҳар бир талабага ушбу материаллардан фойдаланиш тавсия эталади.

Талабанинг фанни мустақил тарзда қандай ўзлаштирганлиги жорий, оралиқ ва якуний назоратда ўз аксини топади. Шу сабабли рейтинг тизимида мустақил ишларга алоҳида балл ажратилмайди, улар ЖН, ОН ва ЯН лар таркибиға киритилган.

Семинар машғулотларда назарий билимлар мавзуга оид савол жавоблар ўтказиш орқали мустаҳкамланади. Инглиз тили тарихи фанини чукур ўзлаштириш учун талаба фаннинг ҳар бир мавзусини мустақил ўрганиши ва ёзма топширикларни бажариш орқали мустаҳкамлаши зарур.

Қолдирилган дарсларни топшириш учун талаба дарс материалини тайёрлаб келиши ва ўқитувчининг оғзаки сухбатидан ўтиши зарур. Қолдирилган ОН ва ЯН лар белгиланган тартиб бўйича топширилади.

### **2.3.2. Талабалар мустақил таълим мининг мазмунни ва ҳажми**

<b>№</b>	<b>Мустақил таълим мазмуни</b>	<b>Бажари-лиш вақти</b>	<b>Ҳажми</b>	<b>Балл</b>
1	Grammatical analysis, translation and phonetic analysis of King Alfred's translation of the "World History" by Orosius	1-2 хафта	4 соат	3
2	Translation of the passage named "King Edward and the Danes" from "Anglo-Saxon Chronicles"	3-4 хафта	4 соат	3
3	Grammatical analysis of "Ethelred the Unready and the Danes" from "Anglo-Saxon Chronicles"	5 хафта	4 соат	3
4	Phonetic analysis of italicized words of Bede's "Historia Ecclesiastis Gentis Anglorum"	6 хафта	4 соат	3
5	Translate and compare words from Old English piece of poetry named "Bookmoth"	7 хафта	4 соат	3
6	Grammatical and etymological analysis of Lines 1-4 from the prologue to the "Canterbury Tales" by G. Chaucer	8-9 хафта	4 соат	3
7	Make observation notes to the italicized words (lines 285-304) from the prologue to the "Canterbury Tales" by G. Chaucer	10-11 хафта	6 соат	3
8	Make observation notes to the italicized words from the preface to the "Eneydos" by W. Caxton	12 хафта	4 соат	3
9	Supply a historical explanation for the underlined words (probable origin, spelling, pronunciation, grammatical forms and their meaning) from W. Shakespeare's Sonnet 2	13 хафта	4 соат	3
10	Pick out words from "Incognita: Love and Duty Reconcil'd" by W. Congreve and note their difference from Modern English	14 хафта	4 соат	3
<b>Жами:</b>		<b>14</b>	<b>42</b>	<b>30</b>

## IV. РЕЙТИНГ БАХОЛАШ ТИЗИМИ

### 4.1. Рейтинг назорати жадвали

№	Вазифа		Сони	Балл	Умумий балл
<b>1. Жорий Назорат (ЖН)</b>					
<b>1.1</b>	Оғзаки шакли (Семинар мавзуларини мухокама қилишда эштиреки)		14	2	<b>28</b>
<b>1.2</b>	Оғзаки шакли (Доклад)		1	5	<b>5</b>
<b>1.3</b>	Ёзма шакли (Лекция)		14	0,5	<b>7</b>
	<b>ЖН Жами:</b>				<b>40</b>
<b>2. Оралиқ Назорат (ОН)</b>					
<b>2.1</b>	Ёзма шакли (МТ №1-5)		1	15	<b>15</b>
<b>2.2</b>	Ёзма шакли (МТ №6-10)		1	15	<b>15</b>
	<b>ОН Жами:</b>				<b>30</b>
<b>3. Яқуний Назорат (ЯН)</b>					
<b>3.1</b>	Ёзма шакли (ёки тест)		1	30	<b>30</b>
	<b>ЯН Жами:</b>				<b>30</b>
	<b>Жами (ЖН+ОН+ЯН):</b>				<b>100</b>

### 4.2. Рейтинг жадвали (6-семестр)

№	ЖН 40%	Февраль		Март		Апрель		Май		Июнь			
		1	12-17	2	19-24	3	26-3	4	5-10	5	12-17	6	
		1	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	
1	ОН 30%	Семинар	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	<b>28</b>
		Доклад											
		Лекция										6	
2	ОН 30%	Мустакил таълим		3		3	3	3	3				<b>15</b>
3	ЯН – 30%											30	<b>30</b>
	ЖН 1, 2, 3		<b>19</b>		<b>25</b>		<b>26</b>						
	Жами:		<b>19</b>		<b>44</b>		<b>70</b>				<b>30</b>		<b>100</b>

**Эслатма:** 6-семестрда ўқитиладиган “Үрганилаётган тил тарихи” фанининг ўқув ҳажми 98 соатни ташкил этганлиги сабабли фан коэффиценти 0.98 бўлади. Фан бўйича ўзлаштиришни аниқлашда талаба тўплаган бали 0,98 га кўпайтирилди ва бутунгача яхлитлаб олинади.

<b>Баҳо</b>	<b>5</b>	<b>4</b>	<b>3</b>	<b>2</b>
<b>Рейтинг</b>	86-100	71-85	55-70	< 55
<b>Фанни ўзлаштириш кўрсатгичлари</b>	84-98	70-83	54-69	< 54

#### **4.3. Талабалар билимини баҳолаш мезони**

<b>Балл</b>	<b>Баҳо</b>	<b>Мезон</b>
86-100	Аъло	Тил ривожига турткি бўлган тарихий, ижтимоий ва маданий воқеа-ҳодисалар ҳақида билимга эга, тилдаги энг сезиларли ўзгаришлар, уларнинг манбаи ва таъсири ҳақида тушунчага эга; тилда рўй берган ўзгаришлар тарихини таҳлил қила олади.
71-85	Яхши	Инглиз тили ривожига турткি бўлган тарихий, маданий воқеа ва ходисалар ҳақида билимга эга, энг машҳур тилшунос олимлар, тилда юз берган сезиларли ўзгаришлар, уларнинг манбаи ва таъсири ҳақида умумий тушунчага эга.
55-70	Кониқарли	Тил ривожланиш тарихидаги асосий ўзгаришлар ҳақида, тил ривожидаги энг сезиларли ўзгаришлар ҳақида билимга эга.
0-54	Кониқарсиз	Асосий билимга эга эмас; энг сезиларли ўзгаришлар, уларнинг манбаи ва таъсири ҳақида умумий тушунчага эга эмас.

#### **4.4. “Ўрганилаётган тил тарихи” фанидан талабалар билимини баҳолаш мезони**

##### **1. Жорий назорат**

1.1. Семинар мавзулари оғзаки баёни. Бунда талабалардан семинар мавзусини оғзаки тарзда баён қилиб бериш сўралади. Оғзаки баён қилиш давомида талабаларнинг инглиз тилидаги нутқи, маълумотларнинг тўғри талқин қилиниши, адекват баёнига эътибор қаратилади. Оғзаки баён қилиб беришда талабага 4 та савол берилади. Ҳар бир саволга жавоб 0.5 баллга teng. Яъни талаба ҳар бир семинар оғзаки баёнида максимал 2 балл олиши мумкин.

1.2. Доклад. Семинар мавзуларидан бирини танлаб, талаба доклад тайёрлаши керак. Доклад қилганида талабаларнинг асосий ва қўшимча маълумотлардан фойдаланганлиги, интернет маълумотларидан фойдаланганлиги эътиборга олинади ва доклад қилганлиги учун талаба 6 баллгача олиши мумкин. Бунда режасидаги бир нечта асосий саволнинг ёритилишига умумий баллдан бир кисми берилади.

1.3. Лекция мавзулари ёзма баёни борлиги учун талабага 6 баллгача берилиши мумкин, унда хамма 14 мавзу бўлиши керак, ва улар тўлик формада расмийлаштириши керак.

##### **2. Оралиқ назорат**

Оралиқ назорат семестр мобайнида икки марта ўтказилади. Ҳар бир оралиқ назорат 5-та саволдан иборат, ва ҳар бир савол учун талабага 3 балл берилади, ёзма шаклида хамма саволарга жавоб берса, талаба 15 балл тўплаб олиши мумкин. Ҳар бир саволга берилган жавобдаги битта хато 1 баллга teng.

ОН олишда талабалардан асосан мустақил иш топшириқлариға жавоблари сүралади. Мустақил иш сиғатидаОНга белгиланган мавзулар бўйича муаммоли топширқлар берилади (матн таҳлили). Машғулотлар давомида талабаларга инглиз тили тарихи ривожланишининг турли даврлариға мансуб 10-та матн берилади. Талабалар ушбу матнларни таҳлил қилган ҳолда замонавий инглиз тили билан ўхшашибликларини ўрганиб чиқишилари лозим. Ҳар бир муаммоли вазият учун максимал 3 балл қўйилади.

### **3. Якуний назорат**

Якуний назорат 30-та муқобил варианти тест топшириқларидан иборат бўлиши мумкин, 1 та саволга берилган тўғри жавоб 1 баллга teng. Якуний назоратга максимал 30 балл қўйилиши мумкин.

Шунингдек, муқобил тарзда фан бўйича якуний назорат ёзма шаклда ҳам ўтказилиши мумкин. Бунда талабаларга 3-та саволдан иборат вариантилар берилади. Ҳар бир топшириқ жавоби учун 10 баллдан қўйилади. Ҳар бир саволга берилган жавобдаги битта хато 1 баллга teng. Масалан, бундан келиб чиқадики, талаба саволга ёзма жавоб беришда 4 хатога йўл қўйса, ўша саволга берилган жавоб 6 балл билан баҳоланади.

## **V. ИНФОРМАЦИОН-МЕТОДИК ТАЪМИНОТ**

### **5.1. Асосий адабиётлар**

1. Кўлдошев, А. Инглиз тили тарихи. – Тошкент, 2011
2. Расторгуева, Е. А. История английского языка. – Москва: Владос, 2003

### **5.2. Оригинал адабиётлар**

1. Baugh, A. C., Cable, T. A History of the English Language. Fifth Edition. – Routledge: Taylor & Francis Group, 2002
2. McDowal, D. An Illustrated History of Britain. – Edinburgh: Longman, 2006
3. Crystal, D. The Cambridge Encyclopedia of the English Language. – Cambridge: Cambridge University Press, 1994

### **5.3. Кўшимча адабиётлар**

1. Аракин, В. Д. Очерки по истории английского языка. – Москва: Высшая школа, 1992
2. Смирницкий, А. И. Древнеанглийский язык. 1956
3. Смирницкий, А. И. История английского языка. 1962
4. Ярцева, В. Н. Историческая морфология английского языка. – Москва: Наука, 1963
5. Ярцева, В. Н. Исторический синтаксис английского языка. – Москва: Наука, 1961
6. Ильиш, Б. А. История английского языка. – Санкт-Петербург: Виктори, 1983

### **5.4. Интернет сайтлари**

1. [www.linguist.org](http://www.linguist.org)
2. [www.philology.ru](http://www.philology.ru)
3. [www.ewiki.info](http://www.ewiki.info)
4. [www.womenglish.ru](http://www.womenglish.ru)
5. [www.dissertation1.narod.ru](http://www.dissertation1.narod.ru)
6. [www.adelaide.edu](http://www.adelaide.edu)

...